

Фаргона шаҳри Мустакиллик кучаси, 250 уй. ТИФ “Миллийбанк” Фаргона филиали
х/р 20 208 000 804 366 678 001 МФО 00493 ИНН 205 292 894 ОКЭД 69202
тел: (+99897) 595-99-63 e-mail: mezonauditperfect@mail.ru сайт: www.mezonaudit.uz

Ижобий фикр билдирилган АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

“Фаргонаёғмой” акциядорлик жамияти раҳбариятига (ИНН 200146438)

Мен (биз), Фаргона шаҳри Мустакиллик кучаси, 250 уйда жойлашган, электрон почта манзили mezonauditperfect@mail.ru, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2019 йил 5 апрелда берилган №00778-сонли барча ҳужалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви утказиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2004 йил 6 декабрда 1062-сон билан руйхатга олинган, СТИР 205292894, банк ҳисоб рақами 20208000804366678001 ТИФ “Миллийбанк” Фаргона филиалида очилган, МФО 00493 масъулияти чекланган жамият шаклидаги “MEZON AUDIT PERFECT” аудиторлик ташкилоти аудиторлари Салиев Илхомжон Адхамович (Аудитор малака сертификати №04420 19.09.2017 йилда берилган) ва Тухтасинов Нодирхон Набиевич (Аудитор малака сертификати №05569 29.11.2018 йилда берилган) томонидан ҳужалик юритувчи субъект “Фаргонаёғмой” акциядорлик жамиятининг бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тугрисидаги ҳисоботидан иборат 2020 йил 1 январидан 31 декабрига қадар ҳолатидаги молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувидан утказдик.

Ҳужалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Ҳўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тугрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз “Фаргонаёғмой” акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан утказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий аҳборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тугрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб қурсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва утказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йуналтирилган аудиторлик амалларини утказишни уз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулохазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончилиги тугрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча, хужалик юритувчи субъект “Фаргонаёғмой” акциядорлик жамиятининг 2020 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари буйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хужалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тугрисидаги конун хужжатлари талабларига мувофиқ келади.

МЧЖ “MEZON AUDIT PERFECT”

аудиторлик ташкилоти директори:



Салиев И.А.



Аудитор:



Тухтасинов Н.Н.

29 март 2021 йил



“MEZON AUDIT PERFECT” МЧЖ

**"ФАРГОНАЁГМОЙ" акционерлик
жамиятининг 2020 йил молиявий-хужалик
фаолиятини аудиторлик текширувидан
утказиш юзасидан**

АУДИТОРЛИК ХИСОБОТИ

2021 йил

(МАХФИЙ)

Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тугрисида»ги Қонуннинг 18 моддасига асосан Аудиторлик ҳисоботидаги ахборот **махфий** ҳисобланади ва ошқор қилиниши мумкин эмас. Ушбу ахборотдан фойдаланган шахслар ахборотни ошқор қилганликлари учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

**«Фаргона ёғ-мой» акциядорлик
жамияти бошқаруви раиси
А. М. Мирзаахмедовга**

**«Фаргона ёғ-мой» акциядорлик жамиятининг
2020 йил молиявий-ҳужжалик фаолиятини аудиторлик
текширувидан утказиш юзасидан**

АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ

Аудиторлик ташкилот номи ва юридик манзили	МЧЖ «MEZON AUDIT PERFECT» аудиторлик ташкилоти. Фаргона ш. Мустқиллик кучаси, 250 уй тел. (+99891) 657-99-63, (+99897) 595-99-63 Интернет: e-mail: mezonauditperfect@mail.ru
Давлат рўйхатидан утказилган Гувоҳнома	Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан. Гувоҳнома реестри № 1062 06.12.2004 йил.
Лицензия берган орган номи ва тартиб рақами	Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан. Лицензия АФ № 00778 05.04.2019 йил.
Аудиторлик текширув учун тузилган шартнома рақами ва тузилган санаси	Шартнома № 25/2020. 27.07.2020 йил.
Аудит текширувини бошланиши ва тугалланиши	Бошланиши - 01 март 2021 йил Тугалланиши - 29 март 2021 йил
Аудиторлик ташкилоти раҳбарининг фамилияси, исми ва малака сертификати рақами	Аудитор – Салиев И.А. Аудитор малака сертификати № 04420 19.09.2017 йилда берилган.
Аудит текшируви утказган аудитор фамилияси, исми ва малака сертификати рақами	Аудитор – Тухтасинов Н.Н., Аудитор малака сертификати № 05569 29.11.2018 йилда берилган.

Аудиторлик текшируви Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Бухгалтерия ҳисоби тугрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, «Аудиторлик фаолияти тугрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари ва бошқа аудиторлик фаолиятини тартибга солиш меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар асосида утказилди.

Утказилган аудиторлик текшируви натижалари, Ўз.Р. МВ 2001 йил 14 февралдаги 20-сон буйруғи билан тасдиқланган, Ўз.Р. АВ 2001 йил 10 мартдаги 1016-сон билан рўйхатдан утган (АФМС № 70) «Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тугрисидаги аудиторлик ҳулосаси» стандарти талабларига асосида ушбу ҳисоботга киритилди.

Ушбу текширишга тақдим қилинган бухгалтерия бирламчи ҳужжатлари ҳаққонийлиги ва тузилган молиявий ҳисоботлар тугрилигига жамият раҳбарияти жавобгардир. Аудиторлик ташкилот эса ушбу аудиторлик текшириш юзасидан берилган ҳулоса учун жавобгардир.

“MEZON AUDIT PERFECT”



Аудитор



I. КИРИШ КИСМИ

I.1. Хужалик юритувчи субъект билан танишув

Уз.Р. МВ 2001 йил 31 майдаги 48-сонли буйруғи билан тасдиқланган, УзР АВ томонидан 2001 йил 21 июнда 1043-сон билан руйхатга олинган (АФМС 31-сон) «Хужалик юритувчи субъект фаолияти билан танишув» стандартига асосан, «Фаргона ёғ-мой» акциядорлик жамияти ҳақида бошланғич маълумотлар олиш мақсадида, таъсис ҳужжатлари, мулкчилик шакли, устав капитали, раҳбарияти, ташкилий тузилма билан танишиб чиқилди.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тугрисида”ги Ўзбекистон Респу бликаси Қонуни (янги таҳрири) талабларидан келиб чиқиб, жамият кузатув кенгашининг 2017 йил 23 июндаги йиғилиш қарорига асосан жамиятнинг Низом фонди ҳар бир дона акцияси номинал қиймати 4895 сумдан булган 3643308 дона эгаси ёзилган оддий ҳужжатсиз акция ҳамда 23904 дона эгаси ёзилган имтиёзли ҳужжатсиз, жами 17 951 002 740 сумлик янги акциялар чиқарилган ва акциялар қуйидаги тартибда тақсимланган:

Улуш эгаси	1 дона акциянинг номинал қиймати	Акция сони, Дона	Улуш милдори %	Жами улуш қиймати, (минг сум)
Давлат улуши (Давлат Мулк Қумитаси)	4895	3 097 004	84,45	15 159 834 580
Меҳнат жамоаси улуши (207 киши)	4895	214 388	2,45	1 049 429 260
Бошқа жисмоний шахслар (1029 киши)	4895	355 820	13,10	1 741 738 900
Жами:	4895	3 667 212	100%	17 951 002 740

Жамият реквизитлари:

«Фаргона ёғ-мой» акциядорлик жамияти	Х/р 20208000300229035001 МФО 00965 ИНН 200146438 ОАТБ «Ҳамкор Банк»
Манзили	Фаргона шаҳри, Меъмор кучаси 9.
Низом жамғармаси	17 951 002 740 сум Давлат улуши 84,45 % Меҳнат жамоаси 2,45 % Бошқа акционерлар 13,10 %
Тармок тури	Ёғ-мой саноати
ХХТУТ (ОКОНХ)	18121
Ташкилий-ҳуқуқий шакли	1150
Мулкчилик шакли	144
Почта манзили	1730401
Юридик шахс коди	00392744

Жамиятнинг низомида белгиланган асосий мақсадлари давлат иқтисодий манфаатлари, аҳолининг маиший, ижтимоий-маданий ва бошқа эҳтиёжларини қондириш ва акциядорлар ҳамда жамият меҳнат жамоасининг манфаатини қўллаб меҳнат қилиш йули билан фойда олишдан иборат бўлиб, узини-узи маблаг билан таъминлаш йули билан жамоа ва жамият акциядорларининг моддий ва ижтимоий талабларини қондиришга қаратилган.

Жамият уз Низомига асосан куйидаги фаолият турлари билан шугулланади:

- Тозаланган усимлик ёғи, атир совун, 60 ҳамда 70 фоизли хужалик совуни, техник ва озукавий саломас, 94 ҳамда 98 фоизли глицерин, дистилланган соапсток ёғ кислотаси, пальмитин, суолтирилган совун, хлопокс, косметин стеарин, гудрон, шелуха, кунжара ва бошка ёғ-мой махсулотларини ишлаб чиқариш;
- Уз фаолиятини нормал олиб бориш мақсадида бошка туманлар, вилоятлар ҳамда республика ташқарисидан, жумладан чет эллардан хом-ашё, асбоб-ускуна ва техник воситалар олиб келиш;
- Жамият, ташкилот, муассаса, хужаликлардан, кичик ва кушма жамиятлардан, фукаролардан зарур булган хом-ашё, жихозлар, ишлаб чиқариш воситалари, транспорт, ускуна ва бошка хар хил турдаги зарур махсулотлар ҳамда воситаларни сотиб олиш;
- Жамият аъзоларининг сармояси, техникавий ва бошка ресурсларини жамлаш ҳисобига ишлаб чиқариш қувватини ошириш;
- Ишлаб чиқаришда фан ва техника ютуқларини жорий этиш, хужалик юритишнинг усул ва шакллари тақомиллаштириш;
- Сотиб олинган ёки олинган ер майдонларидан ёрдамчи хужалик, фермерлик ва ишлаб чиқариш цехларини ҳамда ваколатхоналарини ташкил этиш;
- Савдо ва тижорат фаолияти билан шугулланиш;
- Қимматли қозғалар харид қилиш ва улар билан ишлаш;
- Ташқи иқтисодий фаолият билан шугулланиш ва хоказо.

2013 йил 29 июндан ҳозирги кунгача жамият бошқарув раиси вазифасида барча банк ва бухгалтерия ҳужжатларига биринчи имзо қуйиш ҳуқуқига билан Мирзаахмедов Ахмаджон Мирзаевич бажариб келмоқда.

2016 йил 16 августдан шу кунга қадар Хикматов Ойбек Абдуракибович барча банк ва бухгалтерия ҳужжатларига иккинчи имзо қуйиш ҳуқуқи билан бажариб келмоқда.

II. АСОСИЙ КИСМ

II.1. Ҳисоб сиёсати аудити

Ҳисоб сиёсати - бу жамиятнинг ички ҳужжати бўлиб, амалдаги қонунчилик, солиқ қонунчилиги, Уз. Р МВ 1998 йил 26 июлдаги 17-17/86 буйруғи билан тасдиқланган, Уз. Р. АВ томонидан 1998 йил 14 августда 474-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БХМС 1-сон) «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот», ҳамда бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари асосида ишлаб чиқилади.

Ушбу Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БХМС) Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуни асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини меъёрий асосда бошқариш тизимининг унсури ҳисобланади. Ушбу стандарт бошка БХМСлар билан биргаликда қўлланилади.


БХМС хўжалик юритувчи субъектнинг турли ҳисобот даврларидаги молиявий ҳисоботлари, шунингдек турли хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботлари қиёсланишини таъминлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботини шакллантириш ва тузиш учун асосларни белгилаб беради. Бу мақсадга эришиш учун мазкур стандартда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисоботига асос бўладиган концепциялар ҳамда молиявий ҳисоботнинг мазмунига энг қам микдордаги талаблар кўзда тутилган.

Мазкур стандарт молиявий ҳисоботдан ташқари тақдим этилиши лозим бўлган ахборотларга талабларни баён қилмайди. Масалан, хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботга қўшимча ахборот сифатида молиявий шарҳларни тақдим этишлари мумкин.

Ушбу стандартда ҳисоб сиёсати деганда хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш учун қабул қиладиган усулларнинг

"MEZON AUDIT PERFECT"

Аудитор



йигмасы тушунилади, молиявий хисобот шу усулларга мувофик ва уларнинг коидалари ва асосларига мувофик равишда тузилади.

Бухгалтерия хисобини гуруҳларга ажратиш ва ҳўжалик фаолияти фактларига баҳо бериш, активлар кийматини тўлаш, ҳужжатлар айланмасини, мол-мулкни рўйхатга олишни ташкил этиш усуллари, бухгалтерия хисобида хисоботларни қўлланиш усуллари, хисоб регистрлари тизими, ахборотларни ишлаб чиқиш ва ўзга тегишли усуллар, услубиятлар бухгалтерия хисобини юритиш усулларига киради.

Хисоб сиёсати ҳар бир жамиятнинг узига хос хусусиятларини хисобга олган ҳолда, бухгалтерия хисобини юритиш, молиявий хисоботларни тузиш усуллари ва коидаларини ўз ичига олади.

Мазкур стандартга асосан, жамият хисоб сиёсатига, унинг узаги булган, қуйидаги асосий бўлимлар киритилиши мақсадга мувофик – актив ва пасивларнинг баҳолаш ва тан олиш тартиби, ишлаб чиқариш харажатларини тан олиш тартиби, асосий воситалар ва номоддий активлар амортизация хисоблаш усуллари, товар моддий захираларни баҳолаш усуллари, маҳсулот таннархини калькуляция қилиш усуллари, келгуси давр харажатларини чиқим қилиш усул ва тартиби, солиққа солиш мақсадида бухгалтерия хисоби ва ҳоказо.

Ҳўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари хисоб сиёсати қонунларга мос бўлиши учун, шунингдек ҳўжалик юритувчи субъектнинг молиявий хисоботини тайёрлаш ва тақдим этиш учун жавобгардир.

II.2. Бухгалтерия хисоби ва ички назорат тизими

Бухгалтерия хисоби ва ички назоратни аудиторлик текширувининг мақсади, аудиторлик ташкилотининг ҳўжалик юритувчи субъектда аудиторлик текшируви жараёнида бухгалтерия хисоби ва ички назорат тизими бўйича амалларни аниқлаш ва баҳолашдан иборатдир.

Бухгалтерия хисоби ва ички назорат тизимини баҳолашда қўлланиладиган асосий талаблар Ўз.Р. МВ 2006 йил 29 декабрдаги 108-сонли буйруғи билан тасдиқланган, Ўз.Р. АВ томонидан 2007 йил 12 апрелда 1673-сон билан рўйхатга олинган (АФМС 12-сон) «Аудиторлик текширувлар жараёнида бухгалтерия хисоби ва ички назорат тизимини баҳолаш» стандартида белгиланган.

Бухгалтерия хисоби тизими - ҳўжалик юритувчи субъектнинг вазифалари ва ёзувларининг йигиндиси бўлиб, улар орқали молиявий хисоботда ҳўжалик операциялари ва бошқа воқеалар натижаларини идентификациялаш, туплаш, таҳлил қилиш, хисоблаш, таснифлаш, умумлаштириш ва акс эттириш мақсадида бухгалтерия хисобини юритиш усули сифатида ҳўжалик операциялари натижаларини қайта ишлаш амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия хисоби тугрисида»ги Қонуннинг 7-моддасида жамият раҳбари бухгалтерия хисоби ва хисоботини ташкил этишни амалга ошириши, жамиятда ички хисоб ва хисобот тизими ишлаб чиқилишини, ҳўжалик операцияларини назорат қилиш тартибини, бухгалтерия хисоби тулик ва аниқ юритилишини, хисоб-китоб ҳўжатларининг сақланишини, ташқи фойдаланувчилар учун молия хисобот тайёрланишини, солиқ хисоботлари ва бошқа молиявий ҳўжатлар тайёрланишини, хисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаши шартлиги белгилаб қўйилган.

Аудиторлик текшируви даврида жамият томонидан тузилган молиявий хисоботлар, бухгалтерия хисоби бирламчи ҳўжатлари, бухгалтерия хисоби юритишда бухгалтерия принципларида амал қилинган ҳолда тузилганлиги ва бутлиги текширилди.

Жамиятда бухгалтерия хисобини юритилиши «Бухгалтерия хисоби тугрисида»ги қонун доирасида, ҳамда бухгалтерия хисоби миллий стандартларига амал қилган ҳолда юритилган.

Бухгалтерия хисоби «1С-Бухгалтерия» компьютер дастурида юритилади. Ҳўжатлар расмийлаштирилиши ҳар ойда, бош китоб юритилган, ҳар чорақда солиқ ва бошқа статистик хисоблар юритилиб, вақтида хисоботлар қўндирилиб келинган.

Жамиятда барча аналитик ва синтетик учетлар бухгалтерия хисоби талаблари ва моддаларига тугри келади.

Аудиторлик текширувига такдим этилган молиявий хисоботлар, бухгалтерия хисоби бирламчи ҳужжатлари, умуман жамиятда қулланиладиган бухгалтерия тизими аудиторлик амаллари бажаришга, текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик фаолиятини ҳаққоний акс эттиришга етарли даражада асос бўла олади.

Ички назорат тизими – хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти томонидан молиявий – хўжалик фаолиятини назорат қилиш ва самарали юритиш, активлар ва ҳисоб ҳужжатларининг сақланишини таъминлаш, хато ва фирибгарлик ҳолатларини олдини олиш ва аниқлаш, бухгалтерия ёзувларини аниқ ва тулиқлиги ва уз вақтида ишончли молиявий маълумотларни тайёрлаш мақсадида қабул қилинган ташқилий тадбирлар, усуллар ва амаллар йиғиндисидан иборат.

Аудит даврида ички назорат тизимини тулик, мукаммал урганишни имкони бўлмайди. Юзаки кузатишдалар натижасида жамиятда ички назорат тизими тегишли назорат воситалари орқали қоникарли даражада амалга оширилаётганлиги ҳақида ишонч ҳосил қилса бўлади. Бунга жамиятда активларни бутлигини таъминлаш, хом-ашё ва материаллар, тайёр маҳсулотлар сақлашда қурилган чора тадбирлар асос бўлиши мумкин, хусусан:

- жамият ҳудуди жамият қуриқлаш ходимлари ва ички ишлар қуриқлаш бўлими томонидан қуриқланади;
- жамият ҳудудида бегона шахслар ҳаракати чекланган, ва руҳсатномалар орқали амалга оширилади;
- пул маблағларини сақлаш учун мулжалланган маҳсус хона мавжуд, темир шкаф билан жиҳозланган, товуш чиқариш мосламалари урнатилган;
- товар-моддий захиралар ва бошқа активларни сақлаш учун омборлар ва маҳсус жойлардан имкон даражасида фойдаланилади;
- барча активлар жавобгар шахслар зиммасига шартномалар асосида юклатилган;
- ҳужжатлар айланмаси ва сақланиши чора тадбирлари қурилган;
- «1С-Бухгалтерия» компьютер дастурининг дахлсизлиги таъминланган;
- бухгалтерия бўлимларга бўлинган ва бухгалтериянинг ҳар бир бўлими ҳисоблар бўйича алоҳида бухгалтерлар зиммасига юклатилган.

Хўжалик юритувчи субъект билан танишув, ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ички назоратни тизимини урганиш натижалари асосида, аудит текшируви дастлабки босқичларида, ушбу аудиторлик текшируви режалаштирилди ва дастури тузилди.

Аудиторлик текширувини режаси ва дастури, Ўз.Р. МВ томонидан 1999 йил 17 июлда 54-сонли буйруғи билан тасдиқланган, Ўз.Р. АВ томонидан 1999 йил 10 ноябрда 837-сон билан руйхатга олинган (АФМС № 3) «Аудитни режалаштириш» стандартига мувофиқ ишлаб чиқилди.

II.3. Асосий воситалар аудити

Асосий воситалар аудитининг мақсади, асосий воситалар бўлими бўйича молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ва ташқилотда асосий воситаларга нисбатан қулланиладиган операциялар ҳисоб методикасининг амал қилаётган норматив ҳужжатлар билан мослиги ҳақида тушунча ҳосил қилишдан иборатдир.

Асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисобини меъёрий жиҳатдан тартибга солишда, 2003 йил 9 октябрда Ўз.Р. МВнинг томонидан 114-сон билан тасдиқланган ва 2004 йил 20 январда Ўз.Р. АВ томонидан 1299-сон билан руйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БХМС 5-сон) «Асосий воситалар» асосий норматив ҳужжатдир.

Мазкур стандартнинг мақсади мулк, хўжалик юритиш ёки тезкор бошқарув ҳуқуқлари асосида хўжалик юритувчи субъектга тегишли бўлган асосий воситалар ҳисоби услубиятини белгилаш ҳисобланади.

Асосий воситаларни ҳисобга олишда уларни актив сифатида тан олинган пайтини белгилаш, мазкур активларга нисбатан қўлланиладиган уларнинг баланс қийматини ва амортизацияни ҳисоблаш усуллари белгилаш, шунингдек асосий воситаларнинг баланс қийматидаги бошқа ўзгаришларни ва уларнинг чиқиб кетиши ҳисобига молиявий натижаларни белгилаш ва ҳисобга олиш асосий қоидалар ҳисобланади.

2020 йил давомида асосий воситалар ҳаракати куйидагича: (минг сумда)

Курсаткичлар	Бино, иншоот ва узатувчи қурилмалар	Машина ва жихозлар	Мебель ва офис жихоз-лар	Компью- тер ва хисоблаш техникаси	Транспорт воситалар	Қўп йиллик даракт- лар	Бошқа асосий фондлар	Ҷами
Бошланғич қиймати 01.01.2020 й.	41268512	13726855	79717	152719	1603132	2074	923988	57757026
Ҷамғарилган эскириш 01.01.2020 й.	14275761	10405882	78967	119348	1032476	968	672785	26596186
Қолдиқ қиймати 01.01.2020 й.	26992782	3320973	750	33371	570656	1106	241203	31160840
Қайта баҳолаш - бошланғич қиймат	3830841	967869	2446	0	155208	251	110163	5066777
Қайта баҳолаш – эскириш	1266585	764209	2417	0	105134	117	81112	2219574
Харид қилиш	4849893	143	0	13739	0	0	35729	4899504
Сокит қилиш	376	51773	0	0	78504	0	0	130653
Хисобланган эскириш	1719906	831211	346	12095	169906	232	65069	2798766
Эскиришни чиқариш	138	35600	0	0	78504	0	0	114242
Бошланғич қиймати 31.12.2020 й.	49948900	14643093	82163	166458	1679836	2324	1069880	67592654
Ҷамғарилган эскириш 31.12.2020 й.	17262114	11965701	81730	131443	1229012	1317	828966	31500284
Қолдиқ қиймати 31.12.2020 й.	32686786	2677392	433	35015	450824	1007	240913	36092370

Асосий воситаларга БХМА №5 талабларига мувофиқ ҳисоб карточкалари "1С-Бухгалтерия" дастурида юритилади. Белгиланган муддатларда йиллик қайта баҳолаш ва инвентаризация амалга оширилади.

II.4. Молиявий инвестициялар аудити

Молиявий инвестициялар бухгалтерия ҳисобини юритишда, 1998 йил 23 декабрда Ўз.Р. МВ томонидан 65-сон буйруғи билан тасдиқланган ва 1999 йил 16 январда Ўз.Р. АВ томонидан 596-сон билан руйхатга олинган (БХМС 12-сон) «Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш» миллий стандарти асосий норматив ҳужжатдир.

Ҷамият балансида 31.12.2020 йил ҳолатига 0600 счётида җами 178 165,8 минг сум инвестициялар мавжуд бўлиб, 0610 (қимматли қозғалар) счётида 5 108,8 минг сум ва 0620 (бошқа җамиятларга инвестициялар) счётида 173 057,0 минг сумни ташкил этади.

Жамиятнинг 0610 (кимматли коғозлар) счёти бўйича 31.12.2020 йил ҳолатига инвестиция таркиби қуйидагича:

(минг сум)		
№	Ташкилот номи	Суммаси
1	“Чуст ишлаб чиқариш савдо” АЖ	4 995,8
2	АТБ “Агробанк”(Пахтабанк”)	11,0
3	АТБ “Саноат қурилиш” (Афросиёб)	102,0
	Жами:	5 108,8

Жамиятнинг 0620 (бошқа жамиятларга инвестициялар) счёти бўйича 31.12.2020 йил ҳолатига таъсис улуши сифатида киритган инвестициялари таркиби қуйидагича:

(минг сум)		
№	Ташкилот номи	Суммаси
1	Биолаборатория Усмонобод	107 191,2
2	Олтиарик омухта ем МЧЖ	15 865,8
3	ООО "МТ Инвест-Импэкс"	50 000,0
	Жами:	188 057,0

Жамият томонидан киритилган молиявий инвестициялар бўйича 2020 йил якуни бўйича юқоридаги ташкилотлардан дивидендлар эълон қилинганлиги тугрисидаги йигилиш баёнлари олинмаган.

Аудит текшируви даврида ҳеч қандай қушимча маълумот тақдим қилинмади.

Жамият раҳбариятига юқоридаги инвестиция киритилган ташкилотлар бўйича инвестициялар тугрисида етарли маълумот олиш, агар ушбу инвестиция киритилган ташкилотлардаги инвестициялар дарғумон бўлган тақдирда, мазкур масалани жамият умумий йигилишида қуриб чиқиш ва жамият зарарига олиш тавсия қилинади.

II.5. Капитал қуйилмалар аудити

Жамият балансида 01.01.2020 йил ҳолатига 0800 Капитал қуйилмаларни ҳисобга олиш счётларида жами 3 640 801,7 минг сум капитал қуйилмалар қолдиги мавжуд.

2020 йил давомида 0810 “Тугалланмаган қурилиш” счёти бўйича жами 3 142 889,4 минг сумлик капитал қуйилмалар амалга оширилган ва 2 340 202,2 минг сумлик қуриб битказилган асосий воситалар қирим қилинган, 31.12.2020 йил ҳолатига 0810 счётдаги қолдиқ 4 163 005,6 минг сумни ташкил этади.

0820 “Асосий воситаларни харид қилиш” счёти бўйича жами 4 935 229,4 минг сумлик капитал қуйилмалар амалга оширилган ва 4 890 710,4 минг сумлик асосий воситалар қирим қилинган, 31.12.2020 йил ҳолатига 0820 счётдаги қолдиқ 325 002,2 минг сумни ташкил этади.

II.6. Товар-моддий захиралар аудити

Товар-моддий захираларни ҳисобга олиш тартиби 2006 йил 15 июндаги Ўз.Р. МВнинг 52-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва 2006 йил 17 июлда Ўз.Р. АВ томонидан 1595-сон билан руйхатга олинган (БХМС 4-сон) «Товар-моддий захиралар» стандарти талабларига асосан тартибга солинади.

“MEZON AUDIT PERFECT”

Аудитор 



Жамиятда ҳисоб сиёсатида товар-моддий заҳираларни баҳолаш усуллари белгиланмаган.

Товар-моддий заҳиралар бирламчи ҳужжатлар ҳисоботи, молиявий ҳисоблар қолдиқлари ва «1С-Бухгалтерия» компьютер дастурининг маълумотлари билан мос келади.

Товар-моддий заҳиралар моддий-жавобгар шахсларга бириктирилган ва улар билан моддий-жавобгарлик тугрисида шартномалар тузилган.

Жамият балансининг 01.01.2020 йил ҳолатига (1000) Хом-ашё ва материалларини ҳисобга олиш ҳисобларида жами 12 548 741,2 минг сум қолдиқ мавжуд.

Ҳисобот йилида жами 99 608 274,0 минг сумлик хом-ашё ва материаллар қирим қилиниб, жами 96 929 521,3 минг сум миқдорида хом-ашё ва материаллар қиким қилинган.

Моддий жавобгар шахслар томонидан ойлик материал ҳисоботлар уз вақтида тузилади ва бухгалтерияга тақдим қилинган.

(БХМС 4-сон) «Товар-моддий заҳиралар» стандартининг 76 пунктида белгиланган, товар-моддий заҳираларнинг ҳақиқатда мавжудлигини аниқлаш, уларнинг сотиш соф қийматини тақдиклаш ва уларнинг бут сакланишини назорат қилиш мақсадида ташкилотлар томонидан вақти-вақти билан, лекин йилда камида бир маротаба товар-моддий заҳираларни инвентарлаш ўтказилади.

II.7. Ишонч қозғалари аудити

Товар-материал қийматлиқларини қабул қилишда ишонч қозғаларини бериш ва ишонч қозғалари бўйича товар-материал қийматлиқларини бериб юбориш тартиби, Уз.Р. МВнинг 07.05.2003 йилдаги 62-сонли бўйруги билан тақдикланган, Уз.Р. АВ дан 27.05.2003 йилда 1245-сон билан руйҳатдан утган. МВ бўйруги билан тартибга узгартиришлар қиритилган ва АВдан 24.12.2003 йилда 1245-1-сон билан руйҳатдан утган.

Мазкур тартиб Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тугрисида”ги Қонуни асосида ишлаб қикилган ва товар-материал қийматлиқларини қабул қилишда ишонч қозғаларини бериш ва ишонч қозғалари бўйича товар-материал қийматлиқларини бериб юбориш тартибини белгилайди.

Жамиятда берилган ишонч қозғалар ишонч қозғаларини руйҳатга олиш қитоби (журнали) да қиритилади.

Жамиятда ишонч қозғалари қитоби рақамланган, шнурланган ва бош ҳисобчи томонидан имзоланган.

Жамиятда 2020 йил давомида ишонч қозғаларни руйҳатга олиш қитобида 348 дона ишонч қозғози руйҳатга олинган. Бундан: 324 та ишонч қозғозиға товар-материал қийматлиқлар олинган, 20 донаси бекор қилинган. 4 дона ишонч қозғозиға ҳеч қандай маҳсулот олинмаган.

II.8. Газнадаги пул маблаглари аудити

Юридик шахсларнинг қасса операцияларини амалга ошириш қоидалари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 1998 йил 24 январда 376-сон билан тақдикланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилигида 1998 йил 17 декабрда 565-сон билан руйҳатдан утган норматив ҳужжат билан тартибга солинади.

Жамиятда газначи вазиғаси 2008 йил 3 ноябрдан бошлаб 16 март 2017 йилғача Қурбанова Насиба зиммасиға юқлатилган. 2017 йил 16 мартдан бошлаб газначи вазиғаси Абдуллажанова Юлдиғхон зиммасиға юқлатилган. Газначи билан моддий жавобгарлик тугрисида шартнома тузилган.

Жамиятда юқорида белгиланган норматив ҳужжат, юридик шахсларнинг газна операцияларини амалга ошириш қоидаларига амал қилинган ҳолда қиритилган. Банкдаги ҳисоб рақамидан олинган нақд пул газнаға тулик қирим қилиниб, олинган мақсадиға мувоғиқ қиким қилинган.

2020 йилда газна операциялари қуйидағича:

Счет	Операция мазмуни	Сумма (сум)
	01.01.2020 й.га колдик	-
51.30	Банкдан кирим килинди	839 972 833,00
55.33	Банкдан кирим килинди	29 692 239,14
	Жами кирим	869 665 072,14
	Сарфланди	
42.20	Сафар харажати	5 150 000,00
48.90	Пенсия, пособия	29 692 239,14
67.10	Иш хаки	834 822 833,00
	Жами чиким	869 665 072,14
	31.12.2020 й. га колдик	-

01.01.2020 йил ва 31.12.2020 йил ҳолатларига газна (5020 счет) да хорижий валюта пул маблағлари колдиги мавжуд эмас.

II.9. Банкдаги ҳисоб рақамлари пул маблағлари аудити

II.9.1. Асосий жорий ҳисоб рақами 5130


Накд пулсиз ҳисоблар, Уз.Р.МБ томонидан 2002 йил 12 январда 60-сон билан тасдиқланган ва Уз.Р. АВ томонидан 2002 йил 15 январда 1122-сон билан руйхатга олинган, Ўзбекистон Республикасида накд пулсиз ҳисоб-китоблар бўйича тартиб ва Уз.Р. МБ томонидан 16 мартда тасдиқланган ва Уз.Р. АВ томонидан 2009 йил 27 апрелда 1948-сон билан руйхатга олинган, Ўзбекистон Республикасида очиладиган банк ҳисоблари бўйича йуриқномага асосан тартибга солинади.

Жамият банк ҳисоб-китобларини «Хамкор» банкининг Фаргона бўлимида амалга оширади. 2020 йилда (сч 5130) банк операциялари куйидагича:

Счет	Операция мазмуни	Сумма (сум)
	01.01.2020 й.га колдик	31 694 471,54
4300	Мол етказиб берувчилардан кайтди	1 093 000,00
4700	Ходимлар билан ҳисоб китоблар	18 212 132,00
4800	Бошқа дебиторлардан тушган	1 700 000,0
51.00	Бошқа банк ҳисоб рақамидан тушди	19 085 486 137,79
55.00	Банк ҳисоб рақамидан тушди	5 614 665 399,10
60.00	Мол етказиб берувчилардан кайтди	5 271 011 543,57
63.00	Харидорлардан аванс келиб тушди	62 528 689 158,70
66.00	Акциядор томонидан олинмаган дивидент кайтарилди	571 900,00
69.00	Хар хил кредиторлардан тушди	19 645 000,0
93.90	Бошқа операцион даромадлар	1 384 580,52
94.30	Бошқа операцион харажатлар кайтди	3 110 552,23
	Жами кирим	62 545 569 403,91
	Сарфланди	
40.10	Нотугри утказилган маблағ кайтарилди	290 000 000,00

“MEZON AUDIT PERFECT”

Аудитор



42.00	Сафар харажатига аванс	20 689 000,00
43.00	Мол етказиб берувчиларга аванс	26 766 438 174,10
